

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДМАНОВА ШАХНОЗА КУРДАШЕВНА**

**10-11-СИНФ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА КИМЁНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИБ, АДАПТИВ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on pedagogical sciences**

<b>Шодманова Шахноза Қурдашевна</b> 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштириш.....	5
<b>Шодманова Шахноза Курдашевна</b> Совершенствование методики профессионально направленного адаптивного обучения химии в 10-11 классах и академических лицеях.....	23
<b>Shodmanova Shakhnoza Kurdashevna</b> Improving the methodology of adaptive teaching of chemistry to the pro- fession in grades 10-11 and academic lyceums.....	42
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ШОДМАНОВА ШАХНОЗА КУРДАШЕВНА**

**10-11-СИНФ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРДА КИМЁНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИБ, АДАПТИВ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02- Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (кимё)**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped314 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (ik-kimyo.npu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Махмудов Юсуп Ганиевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Хамидова Гулбахор Рахимовна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12. 2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» декабрь соат 15<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35 / факс: (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (134 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-67-35.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «10» декабрь даги 21 - рақамли реестр баённомаси).

  
**З.А.Сманова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор.

**Д.А.Гафурова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, к.ф.д., доцент

  
**Н.Х. Қутлимуротова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълимини модернизациялаш Концепциясини ривожлантиришда таълим жараёни технологияси, мазмуни ва ташкил этилишидаги ўзгаришлар ҳисобига ўқувчиларнинг қизиқишлари, мотивлари ва қобилиятларини ҳисобга олиш, юқори синф ўқувчиларининг касбга қизиқишлари ва таълимни давом эттиришга мос равишда шароитлар яратишга имкон берувчи, таълимни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш воситасини ифодалайди. Узлуксиз таълим тизимида ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида методик тайёргарлик даражасини ошириш, ижодий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёда кимё таълимини ихтисослаштириш умумий ўрта таълим мактаби битирувчисига масъулиятли танловни - ўз фаолиятининг ихтисослаштирувчи йўналишига нисбатан олдиндан ўзини ўзи аниқлашни амалга ошириш заруратини юзага келтиради. Шу муносабат билан 10-11-синфлар ва академик лицейларда ихтисослашган тайёргарликни – ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим якунида касбий ўз-ўзларини аниқлашларига кўмаклашувчи психологик, педагогик, ахборот ва ташкилий қўллаб-қувватлаш тизимини – юқори босқич ихтисослик синфларида, касб-хунар коллежларида ўқишни давом эттириш йўналишини ташкил этиш муҳим масалага айланади.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицейларнинг табиий фанлар туркумида ўқувчиларни касбга йўналтириш нуқтаи назаридан таълим сифатини ўрганиш кимё таълимида ўқувчиларнинг касбий йўналиш танловидаги умумий ўрта таълим мактаби битирувчиларининг ижтимоий зарур бўлган касбий йўналтирилган ва тайёргарликнинг амалдаги мавжуд даражаси ўртасидаги ўсиб боровчи узилишни кўрсатади. Юқорида таъкидланган узилишни бартараф этиш учун тажриба-синов майдончаси сифатида, табиий фанлардан «Кимё» ўқув фанидан, умумий ўрта таълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида **табиий-илмий** касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони, 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4884-сон ва 2020 йил 12 августдаги “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4805-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сон қарори ва мазкур

соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда кимё ўқитиш методикаси соҳасида кимё фанини ахборот ва педагогик технологияларни жорий этиб ўқитиш бўйича ўзбек олимларидан Н.А.Анварова, Ф.А.Алимова, Ш.Ш.Бегматов, Ҳ.Омонов, И.Шерназаров, Ш.Шомуротовалар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларини қайд этиш мумкин.

МДҲ давлатларида М.Бочков, Н.В.Кузьмина, Г.К.Селевко, И.С.Якиманская, Л.С.Выготский, В.П.Беспалько, З.Д.Жуковская, В.В.Гузеев, А.Н.Леонтьев, П.Я.Гальперин ва бошқа олимлар ўз илмий тадқиқот ишларида кимё ўқитиш тизимининг назарий ва методик асосларини очиб берган.

Хорижда кимё фанини адаптив ўқитишнинг янги шакллари ва методларини ишлаб чиқиш, жумладан, умумий ўрта таълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида ўқитиш муаммосини ҳал этишда: Д.И.Фельдштейннинг ўсмирларнинг психологик ривожланиш назарияси, Дж.Локк, McBride J.R. лар томонидан таълим сифатини оширишнинг акмеологик назарияси, ўқув ахбороти ва ахборот технологиялари мазмунига қадриятли ёндашув, педагогик технологияларни лойиҳалаш назариялари катта ҳисса қўшган.

Битирувчиларнинг умумий ўрта таълим тизимидан кимё таълими тизимига ижодий адаптив ёндашувни таъминловчи умумий ўрта таълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида **табiiй-илмiiй** касбга йўналтирилган ўқитишнинг самарали технологияларини излаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини аниқлаб берди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмiiй-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 2015–2017 йилларда амалга оширилган А-1-230 рақамли “«Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» дарслиги ва «Экологик ўлкашунослик» ўқув-методик қўлланмасини тайёрлаш” мавзуидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

адабиёт манбалари, тадқиқот ишлари ҳамда бевосита кузатишлар бўйича табиий фанларнинг замонавий ҳолати, касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш методологияси тенденциялари ва умумий ўрта таълим мактабидаги назоратнинг назарий таҳлилини ўтказиш, касбга йўналтириш босқичида касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологияси орқали ўқувчиларни ихтисослик ва касбга йўналтириш жараёнини оптималлаштириш, ўқув мотивациясини ошириш, бўлажак мутахассис шахсининг касбий аҳамиятли сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи ахборот технологияларини татбиқ этиш;

10-11-синф ва академик лицейларнинг кимёвий ва экологик маданият даражасини оширишга имкон берувчи, ўқувчиларнинг ягона дарс-синфдан ташқари фаолиятлари тизими ҳамда касбга йўналтирилган педагогик коммуникация воситалари, методик таъминоти, бошланғич касбий билим ва малакалар, экологик-кимёвий маданият, янги шароитларда таълимни давом эттиришга ижодий тайёргарликка эгалик даражаларини, **табиий-илмий** ихтисосликдаги бўлажак мутахассиснинг шахсий-аҳамиятли сифатлари, ўқувчиларнинг касбий малакалари шаклланганлигидан иборат эканлигини аниқлаш;

10-11-синф ва академик лицейларнинг ўқув жараёни мониторинги диагностик-баҳолаш воситаларининг самарали тизими ва ахборот технологияларидан фойдаланиш билан назорат-таълимий дидактик материаллар мавжудлиги: жорий назоратнинг жетонли жамғармаси 125 балли баҳолаш шкаласи, ўқувчилар мустақил ишларининг барча турларини тезкор ўз-ўзлари ҳисоблашлари, адаптив индивидуал оралик, якуний назорат ва жорий жуфтликдаги ўзаро назорат кўп даражали калибрланган синов топшириқлари банкини яратиш;

10-11-синф ва академик лицейларда кимё фанини ўқитишнинг янгича ёндашувини, яъни табиий фанлар интеграцияси ва ҳаётий мисоллар асосида тузилган маълумотлар, топшириқлар, саволлар орқали касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш, берилган мавзуларни мустаҳкамлаш, ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятлар ечимида ушбу маълумотларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб адаптив ўқитиш методикаси жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах давлат педагогика институти қошидаги “Сайилжой” академик лицейи, Тошкент Педиатрия тиббиёт институти академик лицейи, Қарши МИИ академик лицейи, Тошкент шаҳри М.Улуғбек туманидаги 205-сон умумий ўрта таълим мактаби белгиланиб, жами 545 нафар ўқувчи жалб этилди.

**Тадқиқотнинг предмети** 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштириш шакл, усул ва воситаларидан иборат.

**Тадқиқотнинг методлари.** Назарий таҳлил (қиёсий, ретроспектив, адабиёт манбалари ва ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш); педагогик

жараёни моделлаштириш; ўқитишни тизимли-мақсадли табақалаштириш; обсервацион методлар (кузатиш ва ўз-ўзини кузатиш); праксиметрик методлар (ўқув фаолияти маҳсулотлари таҳлили); педагогик тажриба-синов; психологик ва педагогик ташҳис методлари; математик статистика методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

10-11-синф ва академик лицейларда кимё фанини касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш технологияси орқали ўқувчиларни ихтисослик ва касбга йўналтириш жараёнини оптималлаштириш, ўқув мотивациясини ошириш бўлажак мутахассис шахсининг касбий аҳамиятли сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи ахборот технологияларини қўллаш асосида ишлаб чиқилган;

10-11-синф ва академик лицейларнинг ўқув жараёни мониторинги, диагностик-баҳолаш воситаларининг самарали тизими билан назорат-таълимий дидактик материаллар мавжудлиги: «Қўшиш методи»да билимларнинг элементлар бўйича баҳолаш учун 125-балли баҳолаш шкаласи, ўқувчилар мустақил ишларининг барча турларини тезкор ўз-ўзлари ҳисоблашлари, адаптив индивидуал оралик, якуний назорат ва жорий жуфтликдаги ўзаро назорат кўп даражали калибрланган синов топшириқлари банки яратилган;

кимё фанини 10-11-синф ва академик лицейларда касбга йўналтириб, адаптив ўқитишда халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қиладиган «Репетитор» коммуникатив технологияси яратилган;

10-11-синф ва академик лицейларда кимё фанини ўқитишнинг табиий фанлар билан интеграцияси ва ҳаётий мисоллар асосида тузилган маълумотлар орқали касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш, ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятлар ечимида ушбу маълумотларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга ундовчи методик таъминот яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

10-11-синф ва академик лицейларнинг кимё курсида касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитиш технологияси умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицейларда ўқувчиларни касбга йўналтирилган тайёргарликларини ошириш мақсадида жорий этилиши билан бирга, кенг доирадаги ўқув курслари ва фанлар бўйича адаптив ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

ҳамкорликдаги ўзаро таълимий муносабатларни ташкил этиш учун ишлаб чиқилган дидактик материаллар ва касбга йўналтирувчи педагогик коммуникация воситалари мажмуи, таълим жараёни мониторингининг технологик воситалари, табиий фанлар мазмуни структурасининг табиий-экологик ташкил этувчиси умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг касбга йўналтирилган ўқитишга оид амалий фаолиятларида фаол қўлланилган;

10-11-синф ва академик лицейларнинг кимё курсида ишлаб чиқилган



ўқувчи шахсининг касбга йўналтирувчи жиҳатлари шаклланганлигининг функционал модели касбга йўналтириш босқичида ўқитувчи ва услубчилар иш амалиётида, ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабларида, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида, табиий фанлар ихтисосликдаги таълим тизими ходимларининг малакасини оширишда фойдаланилган;

10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологиясининг мазмунини лойиҳалаш ва амалда жорий этиш бўйича ўқитувчилар учун табиий фанларни ўқитиш туркумидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда ўқувчиларнинг касбга йўналтирувчи тайёргарликларига ахборот технологияларини жорий этиш самарадорлиги замонавий табиий фанлар сифатини ошириш ва бўлажак мутахассиснинг ахборот маданиятини шакллантиришга кўмаклашувчи фанлараро дарсларни ўтказишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган ёндашув ва методикалар, фойдаланилган назарий ва амалий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик статистика методлари ёрдамида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 10-11-синф ва академик лицейларда кимё фанини ўқитиш жараёни ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологияларни қўллаш асосида кимёдан ўқувчининг методик тайёргарлигини касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қиладиган билим, ахборотларни тақдим этиш воситалари, йўллари ва усулларини такомиллаштиришнинг ўқитиш сифатига оид кўрсаткичлар тизими асосида ташкил этилганлиги, кимё фанининг Давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновацион педагогик технологиялар асосида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ахборот-коммуникация ва инновацион педагогик технологиялар асосида кимё ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чора-тадбирлар дастурларини тайёрлаш, кимё фани мазмунига методик жиҳатдан сингдириш, ўқитиш сифатини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари асосида:

10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштиришга доир билим, кўникма ва

малакаларни ривожлантиришда технологияларнинг ўрни аниқланган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-3004-сон маълумотномаси). Натижада, ташкилий компонентларга оид таклифлардан умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейлар учун мўлжалланган “Кимё” фани бўйича ўқув дастурлари мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

10-11-синф ва академик лицейларнинг ягона дарс-синфдан ташқари фаолияти тизими ва касбга йўналтирилган педагогик-коммуникация воситалари, методик таъминоти, бошланғич касбий билим, кўникма ва малакалар янги шароитларда таълимни давом эттиришга ижодий тайёргарликка эгалик даражасини ҳамда **табiiй-илмiiй** ихтисосликдаги бўлажак мутахассиснинг шахсий-аҳамиятли сифатлари ўқувчиларнинг касбий кўникма ва малакалари шаклланганлигидан иборат эканлиги аниқланган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-3004-сон маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларининг 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитишга оид татбиқ этилган технология касбга йўналтирилган педагогик-коммуникация воситаларини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

10-11-синф ва академик лицейларнинг (кимё курсида) касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитиш технологияси орқали ўқувчиларни ихтисослик ва касбий йўналтириш жараёнини оптималлаштириш, ўқув мотивациясини ошириш, бўлажак мутахассис шахсининг касбий муҳим сифатларини тарбиялаш ва ривожлантиришга кўмаклашувчи ахборот технологияларини лойиҳалашга қадриятли-фаолиятли ёндашув асосида ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-3004-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган технология орқали таълим олган ўқувчилар халқаро Менделеев кимё олимпиадаси ва Жаҳон кимё (2013-2021 йилларда) олимпиадасида иштирок этиб, 10 нафар ўқувчи олтин, кумуш ва бронза медаллари соҳиби бўлишган;

10-11-синф ва академик лицейларнинг кимё фанини ўқитишнинг табiiй фанлар интеграцияси ва ҳаётiiй мисоллар асосида тузилган топшириқлар орқали касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш, берилган мавзуларни мустаҳкамлаш, ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятлар ечимида ушбу маълумотларни қўллай олиш кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган методик таъминотдан “Кимё фанини касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштириш” номли академик лицей ва умумий ўрта таълим мактаблари учун ўқув-методик қўлланмани (Низомий номидаги ТДПУ илмiiй кенгашининг 2-сонли 2020 йил 18 июндаги баённомаси) яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 августдаги 89-03-3004-сон маълумотномаси). Натижада, бу методик таъминот орқали ўзлаштириш даражаси ва таълим сифати ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 12 та илмий-методик иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан таркиб топган. Тадқиқотнинг ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган; республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган; олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида жараёни лойиҳалашда инновацион технологиялардан фойдаланиш, таълим ва фанни ўқитиш жараёни сифатига бўлган ёндашувлар, тадқиқот муаммосининг мамлакатимизда, МДҲ ва хорижий давлатларда ўрганилганлиги ҳақидаги маълумотлар илмий-педагогик ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Замонавий кимё таълимида қуйидаги мақсадлар белгиланган:

ўқувчиларни моддалар ва кимёвий ҳодисаларнинг кўп қирралилиги ва ягоналиги, уларнинг табиатдаги ва инсон ҳаётидаги аҳамияти билан таништириш;

кимёвий тушунчалар, уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлигидаги тизимни шакллантириш;

табiiй фанлар учун умумий бўлган табиатни билиш методлари билан таништириш;

кимёга қизиқишни ҳамда унинг муайян соҳаларига лаёқатларини шакллантириш ва ривожлантириш;

кундалик ҳаётда зарур бўлган кимёвий моддалар билан хавфсиз ишлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

табиатга, инсон саломатлигига қадриятли муносабатни тарбиялаш;

олинган маълумотни танқидий ўзлаштириш ва қайта ўзгартириш, шу асосда моддалардан фойдаланиш билан боғлиқ вазиятлар тўғрисида

хулосалар чиқариш қобилиятини ривожлантириш.

Умумий ўрта таълим мактаби битирувчисини касбга йўналтириш босқичида бўлажак касбий фаолиятини онгли танлашига ижодий тайёргарлигини ривожлантиришга йўналтирилган кимё фани бўйича таълим мазмунига қадриятли ёндашув (З.Д.Жуковская) асосидаги педагогик технологияни ишлаб чиқиш диссертация ишининг мақсади ҳисобланади.

Замонавий мактаб кимё таълимининг асосида қуйидаги тамойиллар ётади:

*-табақалаштириш тамойили.* Ўқитиш жараёни мос ихтисосликни танлаш йўли билан амалга оширилади: гуманитар-филологик, ижтимоий-иқтисодий, физикавий-математик, кимёвий-биологик, техник-технологик;

*-демократлаштириш-тамойили.* Педагогик жараён барча иштирокчилари учун уларнинг ихтисосликни, ўқитиш шакли, курс ва дастури ҳамда дарсликни танлаш ҳуқуқини таъминловчи шароитларни яратишни кўзда тутди;

*-инсонпарварлаштириш принципи.* Ўқитиш жараёни ҳар бир ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтиради, бунда кимёвий таълим мазмуни табиий-илмий билимнинг ахлоқий-эстетик жиҳатларини, унинг ижтимоий-маданий аҳамиятини, фаннинг тарихини очиқ бериши керак.

Кимё таълими мазмунининг асосий ташкил этувчилари ажратилган бўлиб, улар иккита асосий тушунчага асосланади: модда ва кимёвий реакция.

Шу муносабат билан таълим технологиясини тўғри танлаш, назарий асослаш ва шундай қуриш муҳимки, бунда таълим олувчилар “ёмонлик” кимё фанининг ўзида эмас, балки табиат қонунларини тушунмайдиган ва шунинг учун кимёвий элементларнинг табиий айланиш жараёнларини инобатга олмайдиган, шунингдек, натижада умумқабул қилинган ахлоқий меъёрларни бузадиган инсонларга тааллуқли эканлигини қатъий тушунтира олишлари керак.

Диссертациянинг 2-боби **“10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб адаптив ўқитиш методикаси”** деб номланган бўлиб, В.П.Беспалько томонидан ихтиёрий замонавий дидактик назариянинг ривожланиш мезони – назариянинг инструменталлиги аниқланган, яъни ихтиёрий олдиндан белгиланган сифат билан диагностик қўйилган мақсадларга қафолатланган эришишни таъминловчи автоматлашган таълим тизимини қуриш учун ундан фойдаланиш имконияти, деб таърифланган.

Ривожлантирувчи ўқитиш технологияларини ишлаб чиқишда, ўқувчи ҳаёт фаолиятининг субъектли-тажриба устуворлиги асосида шахсий йўналтирилган ривожлантирувчи ўқитиш тизимида И.С.Якиманскаянинг ишлари алоҳида ҳиссага эга. Ривожлантирувчи ўқитиш ғоялари ва методларининг шаклланишидаги кейинги қадам, ривожланишнинг устуворлиги ўқувчининг шахсни ўзини ўзи такомиллаштириш, ўзини ўзи ривожлантиришга эҳтиёжи ҳисобланувчи, ўзини ўзи ривожлантирувчи ўқитиш технологиясини ишлаб чиққан Г.К.Селевконинг ишлари билан

боғлиқ.

«Кўшиш методи»да билимларни элементлар бўйича баҳолаш учун 125 балли жамланувчи жетонли баҳолаш шкаласи белгиланган.

Таълимнинг субъект-субъектли концепциясининг зарурий элементи педагогик менежментнинг илғор принциплари билан биргаликдаги ўқув фаолиятини баҳолашнинг рағбатлантирувчи балли тизими ҳисобланади. Педагогик менежментнинг асосий принциплари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин, педагогик компетент маслаҳат; меҳнат шароитларини меъёрлаштириш; тезкор, ишончли, тўлиқ, аниқ ва доимий ҳисобга олиш; тартиб-интизом; ўқувчиларга адолатли муносабат; юқори самарадорлик ва топшириқларни ўз вақтида бажариш учун тақдирлаш (балларда ва (ёки) таълимга мотивацияни мустаҳкамлашнинг маънавий воситаларидан фойдаланиш билан); ўқитувчилар ва ўқувчиларда уларга маълум аниқ ишлаб чиқилган стандарт кўрсатмаларнинг мавжудлиги, уларга қатъий амал қилиш, бу таълим жараёни субъектларининг ўзаро назоратининг объективлигига ёрдам беради; ўқувчилар оладиган объектив баҳоларни олдиндан прогнозлаш имкони.

Умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицейларда кимё дастури талабларнинг табақалаштирилишига мос равишда танланган ҳар бир билим элементи бир баллга мос келади. Масалан:

1) мазкур индикаторнинг маълум муҳитдаги рангини кўрсатиш (1 балл);

2) берилган номи бўйича модданинг кимёвий формуласини тузиш (1 балл бир кимёвий белги ёки тимсолга мос келади):

озон -  $O_3$  (2 балл), калий гидроксид -  $KOH$  (3 балл), сульфит кислотаси -  $H_2SO_3$  (5 балл) ва ҳ.к.

Жамланувчи жетонли баҳолаш шкаласи (125 балл) нинг методик хусусиятлари ва иш технологияси 1-жадвалда келтирилган.

#### 1-жадвал

### Кимёни касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологиясида жамланувчи жетонли баҳолаш шкаласи (125 балл) бўйича иш технологияси.

<b>Дидактик тарқатма материал</b>	Картонли жетонлар ( $d=50 \text{ мм}^3$ ) рангли (қизил, яшил ва ҳаво ранг), бир нафар ўқувчи ҳисобида бир дарсга ҳар бир рангдан тахминан 15 дона.
<b>Баҳолаш шкаласи</b>	- ҳаво рангдаги жетон - 0 даража 1 баллга тенг; - яшил рангли жетон - 1-даража 5 баллга тенг; - қизил рангли жетон – 2-даража 25 баллга тенг; - қизил рангли бешта жетон – 3-даража 125 баллга тенг. Маълум рангдаги жетон ўқитувчи ёки шериги томонидан бир оғзаки тўғри жавоб учун ёки бир тўғри бажарилган ёзма топшириқ (масала) учун берилади.
<b>Баҳолаш технологияси</b>	1. Ўқувчи ҳаво рангдаги 5 та жетонни тўплаб (5 балл), журналга «3» баҳо қўйиш ёки уларни «банкда» бир яшил

<b>хусусиятлари</b>	<p>рангли жетонга алмаштириш ва ўзининг сифат даражасини ошириб, ишни давом эттириш ҳуқуқига эга (вақтинча, журналда баҳолашсиз);</p> <p>-мос равишда, 5 та яшил рангдаги жетонларни тўплаб (25 балл), ўқувчи журналга «4» баҳо қўйиш ёки уларни «банкда» бир қизил рангли жетонга алмаштириш ва ўзининг сифат даражасини ошириб, ишни давом эттириш ҳуқуқига эга (вақтинча, журналда баҳолашсиз);</p> <p>-мос равишда, 5 та қизил рангдаги жетонларни тўплаб (125 балл), ўқувчи журналга «4» баҳо қўйиш ёки баҳо қўймай, ўзининг сифат даражасини ошириб, ишни давом эттириш ҳуқуқига эга (вақтинча, журналда баҳолашсиз);</p> <p>25 та қизил рангдаги жетонларни тўплаб (625 балл), ўқувчи «маслаҳатчи-эксперт» даражасига эга бўлади ва дарсда ҳамда дарсдан ташқари вақтда (етақчи сифатида) нафақат ўзининг ва бошқа параллел синфларда, балки кичик синфларда ҳам мазкур фан бўйича гуруҳли консультациялар ўтказиш ҳуқуқига эга.</p> <p>2. Жавоб беришдан бош тортишда (анъанавий мактаб тизимида «2» - баҳо) ўқувчи «банка» жарима тўлайди – 1та қизил жетон ёки унинг мавжуд эмаслигида, мактабнинг энг яхши ўқувчилари орасидан маслаҳатчи-эксперт билан дарсдан ташқари вақтда “қарзни” қоплайди.</p> <p>3. Жетонлар ўқувчи томонидан бир мавзу давомида тўпланиб боради ва мавзунинг ўтилган курси якунида бир ёки бир нечта баллар (ўқувчининг истаги бўйича) синф журнаliga қўйилади.</p> <p>4. Агар ўқувчи бир мавзу бўлими тугашида 5 тадан кам ҳаво ранг жетон тўпласа, унда ўқувчига мактаб журнаליда қониқарсиз «2» баҳо қўйишни таклиф этиш ёки қониқарли «3» баҳони «аванс» тариқасида (ўқувчи ва унинг шеригининг илтимосига кўра), кейинги мажбурий дарсдан ташқари ўқитувчи ёки гуруҳ билан билимларни тўлдириш шарти билан қўйиш мумкин.</p>
<b>Изоҳ</b>	<p>Баҳолашда жетонли шкала қўлланилмайдиган ҳолатлар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-ўқитувчи билан индивидуал ишлаш;</li> <li>-ёзма назорат ишлари (тест синови);</li> <li>-амалий-тажриба машғулоти.</li> </ul>

Жамланувчи жетонли баҳолаш шкаласини амалиётда қўллаш таълим жараёнини энг юқори даражада ўқувчиларнинг бўлажак муҳандислик касбий муносабатлари имитациясига яқинлаштириш имконини берди.

Кимёни касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологиясидаги

барча дарслар ишбилармонлик ўйинлари, мунозара, семинар-амалиёт ва ҳ.к. шаклида ўтказилади.

Ишлаб чиқилган баҳолаш шкаласи диагностик, тузатиш, мотивациялаш, ривожлантирувчи ва прогностик вазифаларни бажаради.

«Репетитор» коммуникатив технологиясида ўқитувчининг индивидуал ишини ҳисобга олиш, илмий ташкил этилган жадвали назорат шаклида ҳисобга олиш билан биргаликда, муҳим коммуникатив, ташкилий, конструктив, лойиҳалаш, тарбиявий, ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради.

Табиий фанлар интеграцияси ва муаммоли вазият асосида тузилган саводхонлик топшириқлари кимёни касбга йуналтириб, адаптив ўқитиш, берилган мавзуларни мустаҳкамлаш, ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятлар ечимида ушбу маълумотларни қўллаш олиш кўникмаларини ривожлантиради.

### Изотоник эритмалар

Қон плазмаси ва ҳужайра суюқлигида NaCl нинг концентрацияси 0,9% атрофида бўлиб, бу қон плазмаси ва ҳужайра суюқлигининг осмотик босимини ушлаб турувчи ноорганик компонент ҳисобланади. Плазмада натрий хлорид концентрацияси камайиши қоннинг қуюқлашувини келтириб чиқаради. Бундай пайтда изотоник эритмалардан фойдаланиб даволанади. Тиббиётда ишлатиладиган NaCl нинг 0,9% ли эритмаси изотоник эритма бўлиб, бунда тузнинг концентрацияси организмдаги плазма ҳужайраларидаги тузнинг концентрацияси билан бир хилдир. Бундай эритманинг молекулалари ҳужайра мембранаси орқали яхши ўтиб, ҳужайралараро ва ҳужайра суюқлиги орасидаги босимни ўзгартирмайди.

**1-савол.** Денгизда чўккан одамнинг қон ҳужайралари текширилганда ҳужайраларнинг ёрилиб кетганини кўриш мумкин. Дарёда чўккан одамнинг қон ҳужайраси текширилганда ҳужайранинг бужмайиб қолганини кўриш мумкин. Қуйидаги жадвалдан бунинг сабаблари тўғри кўрсатилган жавобларни “Ҳа” ёки “Йуқ” белгиси орқали ифодаланг.

### 2-жадвал

Т/р	Хулосалар	Денгиз сувида чўкиш оқибатида юзага келади	Дарё сувида чўкиш оқибатида юзага келади
1.	Осмотик босим бузилиши сабаб ҳужайра мембранаси орқали кўп миқдорда туз эритмаси кира бошлайди		
2.	Сувининг таркибида 20% дан ортиқ ош тузи мавжудлиги сабаб ҳужайра ёрилиб кетади		
3.	Сувининг таркибида 0,9% дан		

	кам ош тузи мавжудлиги сабаб хужайра бужмайиб қолади		
4.	Осмотик босим бузилиши сабаб хужайра таркибидаги суюқлик хужайра деворидан чиқа бошлайди		

**2- савол.** Россия Федерациясининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги натрий хлорид (ош тузи) эритмасини коронавирус профилактикаси учун тавсия этилган дорилар рўйхатига киритди. РФССВ тавсиясига кўра, ош тузидан тайёрланган изотоник эритма билан бурун шиллиқ қаватини чайиш мумкин. Бу, мутахассислар таъкидлаганидек, юкумли касалликларнинг бактериал ва вирусли патогенлари сонини камайтиради. Уй шароитида тайёрланган ош тузи эритмаси стерилланмаган ҳолатда бўлади ва у фақатгина оғиз бўшлиғини чайишда ҳамда яраларни ювишда ишлатилади. 0,9% ли шу ош тузи эритмасини тайёрлаш учун 200 г дистилланган сувда неча грамм ош тузи эритиш мумкинлигини аниқланг.

A. 1,8      B. 18      C. 9      D. 20

**3-савол.** 200 г 40% ли ош тузи эритмасига 20% ли шу эритмадан кўшилганда неча фоизли эритма ҳосил бўлиши мумкин.

- A. 40% дан юқори эритма
- B. 30% ва 15 % оралиғидаги эритма
- C. 25% ли эритма
- D. 40% ва 20% оралиғидаги эритма

Кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш технологиялари доирасида умумтаълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида таълимни умумий экологиялаштириш мазмунида ижтимоий аҳамиятли бўлажак касбий фаолиятга фаол тайёрлаш учун кимё фанининг мавзулари курсини ўқитишнинг бутун даври давомида интеграциялашган экологик-кимёвий мазмуннинг (кимё курси мисолида) аниқ яхлитлиги кузатиладиган тарзда режалаштириш керак.

Диссертациянинг 3-боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланган бўлиб, ўқув жараёни мониторинги диагностик-баҳолаш воситаларининг самарали тизими ва ахборот технологияларидан фойдаланиш билан назорат-таълимий дидактик материаллар фонди: жорий назоратнинг жетонли жамғарма 125 балли баҳолаш шкаласи, ўқувчилар мустақил ишларининг барча турларини оператив ўз-ўзлари ҳисоблашларининг чизикли режа графиги, адаптив индивидуал (жорий, оралиқ ва якуний назорат) жуфтликдаги ўзаро назорат кўп даражали калибрланган синов топшириқлари банки орқали ўтказилди.



**Танланган умумтаълим мактабларининг 10-11-синф ва академик лицейларида ўтказилган тажриба–синов ишлари таҳлилининг умумий натижаси.**

	Тажриба гуруҳи № =272				Назорат гуруҳи № =273			
Баҳо қиймати	2	3	4	5	2	3	4	5
Баҳолар сони	7	98	89	78	4	106	82	81
Баҳоларнинг ўрта арифметик қиймати	$X^*T=3,84$				$X^*H=3,46$			
Самарадорлик коэффициенти	$\eta=X^*T/X^*H=1,11$							
Хнинг ишончлилик эҳтимоли оралиғи	$3,76 < X^*T < 3,93$				$3,37 < X^*H < 3,56$			

Тадқиқот ишлари илмий-тадқиқот ишининг умумий мақсади ва вазифаларига мувофиқ, тажриба-синов ишларини ўтказиш учун: ЖизДПИ қошидаги “Сайилжой” академик лицейи, ТошПТИ академик лицейи, Қарши МИИ академик лицейи ва Тошкент шаҳри М.Улуғбек туманидаги 205-умумий ўрта таълим мактаби белгиланиб олинди. Тадқиқот ишларига 545 нафар ўқувчи жалб этилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида (2016–2017 йй.) тадқиқот муаммосига оид илмий-методик адабиётлар тўпланди, умумий ўрта таълим мактаблари ва табиий фанлар йўналишидаги академик лицейларда «Кимё» фанини ўқитиш жараёнида умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицейнинг касбга йўналтириш босқичида кимёни касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологияси самарадорлигини ошириш бўйича ишланмалар тайёрланди, ўқувчиларда пайдо бўладиган кўникма ва малакалар ўрганилди, мавзулар юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш учун таълим муассасалари белгиланди.

Тажриба-синовнинг иккинчи босқичида (2017–2019 йй.) табиий фанлар йўналишидаги академик лицейлар ва умумий ўрта таълим мактабларида «Кимё» фанини касбга йўналтириш босқичида касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологияси самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўқитувчилар билан сўровнома, суҳбатлар ўтказилди.


2019–2020 йиллар якунловчи қисм ҳисобланиб, унда «Кимё» фанини умумий ўрта таълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитиш технологияси самарадорлигини ошириш мақсадли амалга оширилган ва таҳлил қилинган.

Умумий ўрта таълим мактаби ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида кимёни адаптив ўқитиш технологияси самарадорлигини ошириш мақсадида, ўзлаштирилган билим, кўникма ва

малакаларни баҳолаш бўйича саволлар, тест топшириқлари ишлаб чиқилган.

Илмий-тадқиқот ишининг якунловчи тажриба босқичида педагогик тажриба-синов натижалари статистик таҳлил қилинган ва хулосаланган.

Педагогик тажриба-синовдан олинган натижалар ишончлилигини аниқлаш, таклиф қилинган усулнинг қанчалик самаралилигини кўрсатиш мақсадида,  $\chi^2$  – Пирсон мезони методи қўлланилди.



**1-расм. Тажриба-синовдан олдин назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари.**



**2-расм. Тажриба-синовдан кейин назорат ва тажриба гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари.**

Диаграммадан кўринадикки, тажриба-синов гуруҳларидаги ўқувчиларнинг ўртача ўзлаштириши назорат гуруҳидагилардаги ўқувчиларга қараганда 14% юқори. Бу амалга оширилган тажриба-синов ишининг самарали эканлигидан далолат беради.

### Хулосалар

10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Адабиёт манбалари, тадқиқот ишлари ҳамда бевосита кузатишлар табиий-илмий таълимнинг замонавий ҳолати, касбга йўналтирилган

адаптив ўқитиш методологияси тенденциялари ва умумий ўрта таълим мактабидаги назоратнинг назарий таҳлили асосида табиий-илмий таълим сифатида, уни касбга йўналтирилган таъминотининг педагогик технологиялари замон талабларидан ортда қолаётганлигини кўрсатди; академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш муаммоси етарлича ишлаб чиқилмаган, бу ўқув жараёнидаги мотивацияни ривожлантириш, ўқитишнинг муваффақиятлилиги, кимё фанини касбга йўналтириш зарур сифатини таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

2. 10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитишда халқаро таълим тизими талабларига жавоб бера оладиган, рақобатбардош иқтидорли ўқувчиларни тарбиялашга хизмат қиладиган «Репетитор» коммуникатив технологияси яратилган.

3. Ўқувчиларнинг касбий муҳим сифатларини, ижодий қобилиятларини шакллантириш ва ривожлантиришни таъминловчи табиий фанлар интеграцияси ва ҳаётий мисоллар асосида тузилган 10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитиш технологияси (кимё курси мисолида) назарий асосланган, лойиҳаланган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

4. Ўқувчиларнинг ягона дарс-синфдан ташқари фаолият тизимидан ташкил топган, билимлар даражаси ва ўқув фаолияти турларини диагностик аниқлаштирувчи академик лицей ва умумий ўрта таълим мактабининг касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитишнинг (кимё курси мисолида) муаллифлик дастури ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган, кимё курсининг ва қўшимча ўқув материали ўқувчиларнинг экологик маданиятлари ривожланишига кўмаклашувчи ўқув маълумотининг интегртив экологик ташкил этувчиси концентрик тузилган.

5. 10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида табиий-илмий касбга йўналтирилган адаптив ўқитиш технологиясининг методик таъминоти ва касбга йўналтирувчи педагогик коммуникация воситалари субъект-субъектли ўзаро алоқалар асосида ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

6. Ахборот технологияларидан фойдаланиб, ўқув жараёнининг баҳолаш-диагностик мониторинги воситаларининг самарали тизими ҳамда назорат-таълимий дидактик материаллар фондлари: табиий фанлар интеграцияси ва муаммоли вазиятлар асосида тузилган топшириқлар, жорий назоратнинг жетонли жамғарма баҳолашнинг 125 балли шкаласи, ўқувчилар мустақил ишларининг барча турларини оператив ўз-ўзлари ҳисоблашларининг чизиқли режа графиги, адаптив индивидуал оралик, якуний назорат ва жорий жуфтликдаги ўзаро назорат кўп даражали калибрланган синов топшириқлари банки ишлаб чиқилган ва ўқув жараёнига жорий этилган.

7. Ишлаб чиқилган 10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитиш технологияси самарадорлигини тажриба-синовда текшириш, дарсда ўқувчиларнинг бўлажак касбий

фаолиятга ижодий тайёргарликларини ривожлантириш, кимёнинг назарий асосларини ўрганиш, турли даражали кимёвий ҳисоблаш масалаларини ечишда амалий ақлий хатти-ҳаракатлар, юзага келадиган муаммоли экологик вазиятларни ҳал қилиш жараёнида, шунингдек, мақсадга йўналтирилган дарсдан ташқари, амалий-экологик тадқиқотчилик фаолияти жараёнида содир бўлишини кўрсатди; битирувчиларнинг 10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичидан улар учун янги бўлган касбий таълим муҳитига ўтишдаги мослашиш вақтлари сезиларли қисқарди, бу статистик маълумотлар билан тасдиқланди.

Ўқитувчилар учун 10-11-синф ва академик лицейларнинг касбга йўналтириш босқичида адаптив ўқитиш технологияларининг мазмунини лойиҳалаш ва амалиётга жорий этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Кимё фанидан методик таъминотни такомиллаштириш мақсадида унинг мазмунига АКТ воситаларини ва репетиторликни кенг жорий этиш ва ундан машғулотларда унумли фойдаланиш.

2. 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини «Репетитор» коммуникатив технологияларини таълим жараёнига жорий этиш бўйича илмий-методик қўлланмалар (ҳам ўқитувчи, ҳам таҳсил олувчи учун) яратиш кўламини кенгайтириш ва амалиётга жорий этиш.

3. 10-11-синф ва академик лицейларда кимёни касбга йўналтириб, адаптив ўқитиш методикасини фанлараро интеграцияси; уни ўрганишда шахсий йўналганлик; қизиқишни ривожлантиришда босқиччилик ва узлуксизлик; билимлар ва хатти-ҳаракат усулларини қўллашда мобиллик; кимё курсининг экологик ва политехник йўналганлиги; дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг функционал бирлиги; ўқувчиларнинг экологик-кимёвий саводхонлиги ва экологик маданиятини шакллантириш.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ DSc.03/30.12.  
2019.К.01.03 ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ШОДМАНОВА ШАХНОЗА КУРДАШЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРОФЕССИОНАЛЬНО  
НАПРАВЛЕННОГО АДАПТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ ХИМИИ В 10-11  
КЛАССАХ И АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ**

**13.00.02-Теория и методика обучения и воспитания (химия)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент-2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Ped314.

Диссертация выполнена при Ташкентском государственном педагогическом университете

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, и английском (резюме) на веб-странице Ученого совета (ik-kimyo.nuu.uz) и в Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна,  
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Махмудов Юсуп Ганиевич  
доктор педагогических наук, профессор

Хамидова Гулбахор Рахимовна  
кандидат химических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «23» 12 2021 года в 15<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана (адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (99871) 246-67-35 / факс: (99871) 246-02-24, e-mail: chem0102@mail.ru

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за № 137). Адрес: 100174, город Ташкент, Алмазарский район, улица Университетская, дом №4). Тел.: (99871) 246-67-35.

Автореферат диссертации разослан «10» декабря 2021 года.  
(протокол рассылки № 21 от 10 декабря 2021 года).

  
З.А.Сманова  
Председатель разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н. профессор

Д.А.Гафурова  
Ученый секретарь разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.х.н. доцент

  
Н.Х. Кутлимуротова  
Председатель Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, д.х.н. доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В развитии Концепции модернизации мирового образования выражается средство дифференциации и индивидуализации образования, позволяющее за счёт изменения в структуре, содержании и организации технологий образовательного процесса, более полно учитывать интересы, склонности и способности обучающихся, создавать условия в соответствии с профессиональными интересами и желаниями учеников старших классов продолжить образование. В системе непрерывного образования уделяется большое внимание использованию инновационных технологий, направленных на повышение уровня методической подготовки, развитию творческого мышления в профессиональной деятельности учителей.

Специализация химического образования в мире ставит перед выпускником общеобразовательной средней школы необходимость сделать ответственный выбор – предварительно самоопределившись с направленностью специализации своей деятельности. В этой связи актуальным вопросом станет организация специализированной (профессиональной) подготовки в 10-11 классах и академических лицеях - системы педагогической, психологической, информационной и организационной поддержки учащихся, способствующей их профессиональному самоопределению по окончании общего среднего образования, направлению продолжения обучения в старших профильных классах, профессиональных образовательных учреждениях.

Изучение качества образования с точки зрения профессиональной ориентации учащихся на этапе ориентации к профессии в общеобразовательных средних школах и академических лицеях в категории естественно-научных дисциплин в республике показывает растущий разрыв между уровнем социально необходимой профессиональной ориентации и современным уровнем подготовленности выпускников общеобразовательной средней школы с точки зрения обучения химии. С целью устранения указанного разрыва учебная дисциплина «Химия» была использована как одна из естественно-научных дисциплин в качестве области опытно-экспериментальных работ – при разработке направленной на естественно-научную профессию адаптивной технологии обучения на этапе профессиональной ориентации в общеобразовательной средней школе.

Настоящая диссертация в определенной мере служит реализации задач, обозначенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2829 от 14 марта 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности образовательных учреждений среднего специального, профессионального образования», Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 134 от 28 мая 2014 года «Об установлении предельного уровня рентабельности при издании (переиздании) учебников и учебно-методических комплексов для образовательных учреждений общего среднего и среднего специального, профессионального образования», №

187 от 6 апреля 2017 года «Об утверждении государственных образовательных стандартов среднего и среднего специального, профессионального образования», также в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «Химия» и «Биология», и в других нормативно-правовых документах по данной области.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Настоящее исследование выполнено в рамках приоритетного развития науки и технологий республики I. «В социальном, правовом, экономическом, культурном, духовном и образовательном развитии информированного общества и демократического государства формирование системы инновационных идей и способов их реализации».

**Степень изученности проблемы.** Можно отметить работы исследователей Н.А. Анваровой, Ф.А. Алимовой, Ш.Ш.Бегматова, Х.Омонова, И. Шерназарова, Ш. Шомуротовой по применению информационно-педагогических технологий в образовательном процессе в Узбекистане.

В странах Содружества независимых государств ученые М. Бочков, Я.А.Коменский, Н.В.Кузьмина, Г.К.Селевко, И.С.Якиманская, Л.С.Выготский, В.П. Беспалько, З.Д. Жуковская, В.В. Гузеев, А.Н. Леонтьев, П.Я. Гальперин и другие раскрыли в своей исследовательских работ теоретико-методологические основы системы обучения химии.

Ряд зарубежных ученых проводили исследования по решению проблемы профессионального образования на этапе профориентации в средней школе и представили разработки новых форм и методов адаптивного преподавания химии. Теория развития психологии подростка Д. И. Фельдштейна, акмеологическая теория повышения качества подготовки специалистов сферы образования, ценностный подход к содержанию образовательной информации и информационных технологий, теория проектирования педагогических технологий Дж. Локка, McBride J.R внесли огромный вклад в дело совершенствования научно-обоснованного обучения в общеобразовательной средней школе.

Поиск, разработка и внедрение эффективных технологий преподавания, направленных на естественно-научное профессиональное образование на этапе профессиональной ориентации в средней школе, обеспечивающих творческий адаптивный переход выпускников из системы среднего образования в систему химического образования, определили актуальность темы данной исследовательской работы.

**Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, где диссертация была выполнена.** Диссертационная работа выполнена в рамках реализованного в 2015-2017гг. практического проекта Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами № А-1-230 по составлению учебника «Экология и охрана окружающей среды» и подготовки учебно-методического пособия по теме «Экологическое страноведение».



